



# MILLIY TIKLANISH

14 (446) ● 2017 йил 5 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 4 апрель. ЎЗА махсус мухбири Абу Бакир ҲУРОЗОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4 апрель куни давлат ташрифи билан Москвага келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган "Внуково-2" аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати аъзолари кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга

молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Мамлакатимиз Президентининг давлат ташрифи чоғида икки давлат Президентларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон билан Россиянинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган 50 дан ортиқ ҳужжат имзоланиши мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга давлат ташрифига тайёргарлик доирасида мамлакатимизнинг Москва шаҳридаги элчихонасида 3 апрель куни Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Икки давлат ваколатли вакиллари савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида умумий қиймати 3,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 16 та икки томонлама битим, шартнома ва бошқа ҳужжатларни имзолади.

Ташрифнинг асосий воқеалари 5 апрелга белгиланган.

ЎЗА

### Минтақавий семинар



## ПАРТИЯ "АЁЛЛАР ҚАНОТИ" ВА "ЁШЛАР ҚАНОТИ"

фаолиятини кучайтириш — давр талаби

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки ва ролини мустаҳкамлаш, орзу-умидлари, хоҳиш-истак, интилишларини рўйбга чиқаришга қулай шарт-шароит, кенг имкониятлар яратиш борасида муҳим ва аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташкил этган "Ҳара-

катлар стратегияси: хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш бўйича ЎЗМТДП олдига турган устувор вазифалар" мавзусидаги минтақавий семинарда шу ҳақда сўз борди. Унда партия Марказий кенгаши ва ЎЗМТДП фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари партия ташкилотларининг "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига оид илгари сурилган долзарб вазифалар ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 72 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 2 000 000 (икки миллион) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилашсин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси бюджетига маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадиий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 4 апрель

### Миллий гуруҳ

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Тошкент ахборот технологиялари университетида янги инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татиқ этилмоқда. Бу жараёнда дастурчи қизларимиз ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Ана шундай тиришқоқ, иқтидорли ёшлардан бири — Моҳинабону Нуриддинова бу йил техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Моҳинабону университетнинг "Ахборот хавфсизлиги" таълим йўналиши бўйича 4-курс талабаси.

### Юзма-юз

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш юзасидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами янада такомиллаштириш, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

## ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

ЎЗМТДП фракцияси аъзолари учрашувлар давомида тиббиёт муассасалари фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқда

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари билан бўлиб ўтган учрашувларда соғлиқни сақлаш тизимини мавжуд бир қатор муаммолар ва ўз ечимини кутаётган масалаларга эътибор қаратди. Бу борада, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолига бундай ёрдамнинг ўз вақтида ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш, шунингдек, тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

3

### Муносабат

## ЭЛУ ЮРТГА БАХШИДА УМР

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улугдир. Халқимиз эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилган фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Айниқса, юрт равнақи, тараққиётига ҳисса қўшган, ватанпарвар, фидоий фарзандларини ҳамisha ардоқлайди. Уларнинг ҳаёт йўли, маънавий-илмий меросини кўз қорачигидек асраб, келажак авлодларга етказишга интилади. Миллатимизга хос бундай гўзал фазилатлар, ёш авлоднинг аждодлар маънавий меросидан баҳраманд бўлиб, уларнинг эл-юртга садоқати, халқ хизматида камарбасталиги, ибратли ҳаётдан намуна олиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга. Бу маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисми.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 мартдаги "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов тавалуудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори халқимиз истагини ифодалаган, қалб тўридан жой олган муҳим ҳужжат бўлди. Зотан, ўз ҳаётини халқ хизматида бағишлаган инсонлар хотираси абадийдир.

Таниқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов ўзининг серқирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган. У ўтган асрнинг 70-80 йилларидаги ўта мураккаб даврда республикаимизни бошқариб, юртимиз тараққиёти, халқимизнинг обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш билан бирга мамлакатимизда таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришда амалга оширган беқиёс ишларини ватандошларимиз юксак эътироф билан эслайди.

3

### Ушбу сонда:

## ҚУШ УЯСИ... МУСТАҲКАММИ?



ойладаги соғлом маънавий муҳит фарзандни ҳар томонлама баркамол тарбиялашда муҳим омилдир

6-бет



## АЛДАМАЙЛИҚ, ЎЙЛАЙЛИҚ, ЕБ КЕТАРГА БЕРМАЙЛИҚ

бугунги ўзбек футбол ҳақида

7-бет

## ТОПИЛМАДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АКСИ



8-бет















